

Лойиха ва қидирув ишларини бажариш учун
2022-14-сонли

Ш А Р Т Н О М А

Тошкент шаҳри

2022 йил 20 Январь

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи номидан вазир ўринбосари М.И.Рузметов бир томондан ва “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти, кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи номидан Бош директор Р.А.Тураев, иккинчи томондан ўз Низомлари асосида, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. Шартноманинг предмети, баҳоси ва тўлов шартлари.

1.1. Шартнома “Буюртмачи”нинг топшириғига биноан “Бажарувчи” томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва натижаларини «Ер ахборот тизими» порталига тушириш ишлари

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 1 304 371 758 (бир миллиард уч юз тўрт миллион уч юз етмиш бир минг етти юз эллик саккиз) сўм бўлиб, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС): йўқ.

1.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзолангандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 15 фоизини олдиндан, қолган қисмини эса ишни бажариш далолатномаси ва белгиланган тартибда тугатилган ишларни қабул қилиб олиш (юк хати) ҳужжатларини расмийлаштириш мобайнида тўлов ишлари амалга оширилади.

1.4. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.5. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқа талаблар, лойихалаш топшириғи билан, ишнинг номи ва бажарилиш муддати (босқичлари) эса календарь режа билан аниқланади, шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. Тарафларнинг мажбуриятлари.

2.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмани амалдаги норматив-услугий ҳужжатларга мувофиқ календарь иш режасида назарда тутилган ҳажмда ишларни сифатли қилиб бажариш;

2.1.2. Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни бажариш ҳамда “Буюртмачи”га топшириш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Бажарувчи”га техник-топширик беради ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишиш;

2.2.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва унинг қийматини “Бажарувчи”га тўлаш.

III. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиблари.

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш лойихаси техник-топширикномага мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойихалаш топширикномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича қабул қилиб олинади, сўнг ҳақ тўланади.

3.3. “Бажарувчи” ишни тамомлаганидан сўнг “Буюртмачи”га бажарилган иш (босқич)ларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини техник топширикномада кўзда тутилган ҳужжатлар мажмуаси билан биргаликда тақдим қилади.

3.4 “Бажарувчи” “Буюртмачи”га лойиха қидирув ишлари бажарилгандан сўнг бажарилганлик иш сметасини тақдим қилади, “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ушбу сметага асосан ҳақ тўлайди.

3.5. “Буюртмачи” ушбу далолатномани 3.3.- бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларни ва ишни қабул қилиб олиш (юк хати) ҳужжатларини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қилмаслик сабабини асословчи ёзма изохни юборади.

3.6. “Буюртмачи” ишни қабул қилишини асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатларини кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.7. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бир-бирини 5 (беш) кунлик муддат ичида хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 1 кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурдирлар.

3.8. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда бажарилган қисм учун “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”га ҳақ тўланади.

3.9. Ушбу шартнома 2022 йил 20 Январ дан 2022 йил 31 мартгача ҳақиқий ҳисобланади.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Жиноят кодексига, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 1.3. – бандидаги аванс тўлови кечикиб ўтказилганда, ишни тамомлаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар аниқланган тақдирда “Бажарувчи” камчиликларни ўз ҳисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

V. Низоларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Шартнома бўйича келиб чиққан барча низолар ўзаро келишув йўли билан, унинг имкони бўлмаганда Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари шартноманинг мажбуриятларини бажариш муддатига таъсир қилганда, муддат юзага келган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

VII. Қўшимча шартлар.

7.1. “Бажарувчи” бажариладиган ишларни қийматининг ошиши мумкинлиги тўғрисида “Буюртмачи”ни ўз вақтида (ёзма) хабардор қилишга ва “Буюртмачи”нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Агар “Буюртмачи” “Бажарувчи” тақдим этган нархда ишни давом эттиришни “мақсадга мувофиқ эмас” - деб топса, у ҳолда у “Бажарувчи”нинг кўрган зарарларини тўлайди.

7.2. Шартнома шартларига тарафларнинг розилиги билан келишув битими орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Бир тараф ўз мажбуриятини иккинчи тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳақли эмас.

7.4. “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан олдиндан келишган ҳолда ишни бажариш учун ўзи танлаган шахсни жалб этиш ҳуқуқига эга.

VIII. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари.

“Бажарувчи”: “Ўздаверлойиха” институти

Манзили: 100097. Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, “Ц” мавзеси.

Ҳисоб рақами: 20210000900112393001, ЧЗАКБ “DAVR-BANK”, Чилонзор филиали

МФО 01046, СТИР 200795153, ОКЭД 71110.

“Буюртмачи”: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,

Манзили: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй Тел.260-47-94.

л/с: 1000 1086 0272 4870 4992 0082 001, СТИР 305 636 074, ОКЭД 84111,

Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази

ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010, МФО 00014, СТИР 201122919.

Мазкур шартномага: техник топшириқ, ишни бажариш календар режаси, лойиха-кидирув ишлар сметаси ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома илова қилинади.

БАЖАРУВЧИ:

Р.А.Тўраев

м.ў.

Б У Ю Р Т М А Ч И

М.И.Рузметов

м.ў.



Тасдиқлайман:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
Ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил 20 январь

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И.Рузметов ҳамда “Бажарувчи” “Ўздаверлойиха” институти Бош директори Р.А.Тўраевлар ўртасида тузилаётган 2022 йил 20 январь даги 2022-14-сонли 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва натижаларини «Ер ахборот тизими» порталига тушириш ишларига номли шартнома лойиҳасига.

ЭКСПЕРТ ХУЛОСА

Биз, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни билдирамыз:

1. Ушбу шартнома 2005 йил 1 октябрда собиқ Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси билан келишилган ва собиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисида Низом” талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан 2006 йил 2 январда тасдиқланган “Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги лойиҳа-қидирув ишлари учун вақт меъёрлари тўплами” асосида тузилган.

2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 1 304 371 758 (бир миллиард уч юз тўрт миллион уч юз етмиш бир минг етти юз эллик саккиз) сўмни ташкил этиб, бажариладиган ишлар сарф-харажатлар сметаси юқоридаги меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисобланган.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушбу шартномани имзолаш ва тўловларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймыз.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
эксперт гуруҳи аъзолари:

1. А.Жураев
2. А.Ахмадалиев
3. У.Ниязметов



2022 йил _____

2022 йил 20 январ даги
2022-14-сонли шартномага 1 илова

**Келишилган шартномавий нархлар тўғрисидаги
Баённома**

2022 йил 20 январ

Бизлар, қуйидаги имзо қилувчилар “Буюртмачи” номидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И. Рўзметов ва “Бажарувчи” номидан “Ўздаверлойиха” институти Бош директори Р.А.Тўраевлар томонидан 2022 йил 20 январ даги 2022-14-сонли шартноманинг келишилган нархи 1 304 371 758 (бир миллиард уч юз тўрт миллион уч юз етмиш бир минг етти юз эллик саккиз) сўмни ташкил қилишини ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС): йўқлигини ҳақиқатдан тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан “ҳисоб - китоб қилиш учун асос” - деб ҳисобланади.



2022 йил 20 Январ даги

2022-3-сонли шартномага 2 илова

Келишилди:

“Ўздаверлойиха” институти

Бош директори

Р.А.Тўраев

2022 йил 20 Январ

Тасдиқлайман:

Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ хўжалиги вазирининг

ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил 20 Январ

**2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини
жойлаштириш ва натижаларини «Ер ахборот тизими» порталига тушириш
ТЕХНИК – ТОПШИРИҚ**

1. Иш бажариш учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамоилларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори.

2. Буюртмачи: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

3. Ишни бажарувчи ташкилот: “Ўздаверлойиха” ДИЛИ.

4. Ушбу ишнинг мақсади: Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибадорликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Ер ахборот тизими» порталида 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ишлари бажарилади.

5. Ишга бўлган асосий талаблар: Қишлоқ хўжалиги ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингини юритишда фойдаланиш учун бажарилади.

6. Муддати: Тасдиқланган календарь-режа асосида.

7. Иш натижаларини тақдим қилиш шакли:

2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тўғрисидаги маълумотлар «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Ер ахборот тизими» порталида шакллантирилади шунингдек, DVD дискда электрон базаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қилинади

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Бош бошқармаси бошлиғи

А. Жураев

2022 йил 20 Январ даги
2022-3-сонли шартномага 3 илова

Келишилди:

“Ўздаверлойиха” институти
Бош директори

Р.А.Тўраев

2022 йил 20 Январ



Тасдиқлайман:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил 20 Январ



**2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш
ва натижаларини «Ер ахборот тизими» геопорталга тушириш
ИШЛАР ДАСТУРИ**

1. Иш бажариш учун асос Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамоилларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори.

2. Ишни бажарувчи ташкилот: “Ўздаверлойиха” ДИЛИ.

3. Ушбу ишнинг мақсади: Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибадорликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Ер ахборот тизими» порталида 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши тўғрисида маълумот берувчи электрон базани шакллантириш. Қишлоқ хўжалиги ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингини юритишда фойдаланиш учун бажарилади.

4. Тадқиқот предмети ва методлари: Худудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан тақдим этилган 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, фермер хўжаликларни контурлари кесимидаги жойлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда фермер хўжаликларни чегаралари туширилган 1:10 000 масштабдаги қишлоқ хўжалик хариталарини таҳлил қилиш.

5. Амалий аҳамияти: 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, шу жумладан такрорий ва тўқсонбости усулида етиштирилаётган экинлар тўғрисида маълумот берувчи электрон базаси «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Ер ахборот тизими» порталида шакллантирилиб, Қишлоқ хўжалиги ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингини юритишда фойдаланилади.

6. Асосий иш турлари ва уларнинг бажарилиши босқичлари:

т/р	Иш турлари	Иш бажарилишининг муддатлари, бошланиши ва тугатилиши (йил, ой)
	I. Тайёргарлик ишлари	
1	Худудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан тақдим	

	этилган 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилишда фермер хўжаликларни контурлари кесимидаги жойлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда фермер хўжаликларни чегаралари туширилган 1:10 000 масштабдаги қишлоқ хўжалик хариталарини таҳлил қилиш.	2022 йил январь
2	II. 1:10 000 масштабдаги мавжуд қишлоқ хўжалик электрон хариталарига 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши ишларининг электрон хариталарни шакллантириш	2022 йил январь-март
3	Тақдим қилинган ҳужжатлар асосида туманларнинг массивлари кесимидаги мавжуд қишлоқ хўжалик электрон хариталарига фермер хўжаликлар чегараларини ва 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, ишлари классификаторлар асосида «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Ер ахборот тизими» порталига шакллантириш.	2022 йил январь-март
	III. Бажарилган ишларни тақдим этиш	
4	2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши тўғрисида маълумот берувчи электрон базасини «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Ер ахборот тизими» порталида шунингдек, DVD дискда электрон базаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қилинади	2022 йил март

7.Кутиладиган натижалар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамоилларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-10-сон ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг сон буйруғи ижроси таъминланади.

8.Жорий этиш: Қишлоқ хўжалиги ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингини юритишда фойдаланиш учун бажарилади.

Киритилди:


“Ўздаверлойиха” институти
Бош муҳандиси

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Бош бошқармаси бошлиғи



О. Давронов



А. Жураев

2022 йил 20 Январ даги
2022-14-сонли шартномага 4 илова

2022 йил 20 Январ ги 2022-14-сонли шартномага мувофик

Календарь режаси

Т/р.	Ишларнинг (босқичларнинг) номи	Ишларнинг бажариш Муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи сўм	
		бошланиши	яқунланиши	жами	шу жумладан жорий йилда ёки чоракларда
1	2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва натижаларини «Ер ахборот тизими» порталига тушириш	2022 йил <u>20 Январ</u>	2022 йил 31 март	1 304 371 758	1 304 371 758

БАЖАРУВЧИ:



Р.А. Тўраев

БУЮРТМАЧИ:



М.И. Рузметов

ЮРИСТ ХУЛОСА

Тошкент шаҳар

2022 йил 20 Январ

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан “Бажарувчи” “Ўздаверлойиха” институти ўртасида тузилаётган 2022 йил 20 Январ даги 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва натижаларини «Ер ахборот тизими» порталига тушириш ишларига номли 2022-14-сонли шартномаси лойиҳаси юзасидан “Ўздаверлойиха” институти Бош юрисконсулт лавозимида ишлаб келаётган А.Маманазаров куйидаги ҳуқуқий хулосани бераман.

Ушбу “Ўздаверлойиха” институти томонидан ҳуқуқий экспертиза учун тақдим қилинаётган ушбу шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1154 фармони талаблари доирасида ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, мазкур шартнома лойиҳаси юқоридаги қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Юқоридагиларга кўра ушбу шартнома лойиҳасини имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Бош юрисконсулт



А.Маманазаров

СМЕТА (йиғма)

Босқичлар номи, лойиха - кидирув ишларининг турлари: 2022 йил ҳосили учун экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва нағжаларини геопорталга тушириш

Лойиха - кидирув ишларини бажарувчи ташкилотнинг номи: "Ўздаверлойтиха" институти
 Бюджет ташкилотнинг номи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

т.р.	Худудлар номи	Умумий майдони, га	Туманлар сони	Умумий майдони, дм.кв.	Жами қиймати минг сўмда
1	2	3	4	5	6
1	Қорақалпоғистон Республикаси	47 901	2	479,0	98 733,503
2	Андижон	41 820	2	418,2	83 315,851
3	Бухоро	45 458	2	454,6	93 697,998
4	Жиззах	38 942	2	389,4	80 267,224
5	Қашқадарё	33 413	2	334,1	68 870,853
6	Навий	91 602	9	916,0	188 809,980
7	Наманган	60 233	4	602,3	124 152,218
8	Самарқанд	37 618	2	376,2	77 538,196
9	Сурхондарё	30 507	4	305,1	103 727,172
10	Сирдарё	52 562	2	525,6	108 340,758
11	Тошкент	64 362	2	643,6	132 662,910
12	Фарғона	28 772	3	287,7	59 304,827
13	Хоразм	41 214	2	412,1	84 950,269
	Ишларнинг умумий нархи:	614404	38	6144	1 304 371,758

"Ўздаверлойтиха" институти
 Бош директор



(Handwritten signature)

Р.А.Тўраев

Бош муҳандис

Иқтисодий таҳлил ва маркетинг бўлими бошлиғи

(Handwritten signature)

О.Ў.Давронов

А.А.Нуркулов